

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА КОГНИТИВ  
МУСТАҚИЛЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
МЕТОДИК УСУЛЛАРИ

*Абдузопирова Феруза Акрамжон қизи*

*University of Business and Sciens*

*Нодавлат олий таълим муассасаси в.б,доценти, (PhD)*

*Ҳасанова Ирода Нажмиддин қизи*

*University of Business and Sciens*

*Нодавлат олий таълим муассасаси ўқитувчиси*

**Аннотация:** Ушбу мақолада мактабгача таълим ёшидаги болаларни когнитив фаолияти ривожлантиришнинг методик имкониятлари, педагогик жараёни ташкил этишда тарбиячи- педагог фаолияти, тарбиячи-педагог болаларнинг когнитив қизиқишлари, эҳтиёжлари ва ривожланиш ҳолатини ҳамда мактабгача таълим ташкилоти имкониятларини ҳисобга олган ҳолда индивидуал, табақалаштирилган ўқув машғулотларини ташкил этиши – мактабга тайёрлашнинг асосий шартларидан бири эканлиги ҳақида сўз юритилган.

**Калит сўзлар:** когнитив, фаолият, кизиқиш, табақалаштириш, дидактик, компетенция, когнитив мустақиллик, топшириқ, усул, имконият, муваффақият.

Когнитив мустақиллик болаларнинг янги билимларни эгаллашда уларнинг маълумотларга нисбатан синчковлигини, диққат-эътибор билан қабул қилишини тақозо этади. Тарбиячи янги маълумотларни болаларга бераётганда, мавзунинг баъзи жиҳатларини очик қолдириши ва бу очик жиҳатига болаларнинг эътиборини турли йўналтирувчи саволлар ёки хатти-ҳаракатлар билан қаратиши лозим бўлади. Тарбиячи ўқув машғулотини мазмунини дидактик жиҳатдан шундай режалаштириши лозимки, бу орқали болаларнинг когнитив ривожланишидан ташқари ижтимоий компетенцияларини шакллантиришга эришиш лозим. Бунда болалар ўқитишнинг ижтимоий шакллари орқали ҳамкорликда, жамоада ишлаш кўникмасини, музокарали вазиятларни ижобий ҳал қила олиш каби ижтимоий кўникмаларни ривожлантира олади.

Тарбиячи ўқув машғулотини дидактик жиҳатдан режалаштиришда нафақат бир машғулотни, балки кейинги машғулотларни болаларнинг “кейинги ўрганиш имкониятлари”ни ҳисобга олган ҳолда режалаштира олиши лозим. Болаларда когнитив мустақилликнинг ривожланишига таъсир қилувчи омиллардан бири сифатида ўқув машғулотлари давомида тайёрланган расмлар, буюмлар ва ижодий иш натижаларини мактабгача таълим ташкилоти ҳудудида кўргазма шаклида намоиш этилиши ҳисобланади. Бу орқали болалар ўз натижалари,

муваффақиятларидан фаҳрланиш, фаолиятининг натижадорлиги ва рағбатланишини ҳис этади. Когнитив мустақилликнинг ривожланишига яна бир омил сифатида ўқув машғулотларига ота-оналарнинг иштирок этишидир. Бу болаларда масъулиятлилик ҳиссини, фаҳрланиш туйғусини оширади. Ота-оналар учун ҳам ўқув машғулотларида иштирок этиш уларнинг педагогик кузатувчанлик тажрибаларини оширади. Ўқув машғулотларининг дидактик жиҳатдан режалаштирилиши хусусида педагогик жамоанинг фикр ва мулоҳазалари янги ғоялар шаклланишига хизмат қилади. Шунингдек, ота-оналар билан ҳам фарзандининг когнитив қизиқишлари, қобилиятлари хусусидаги суҳбатлар олиб бориш ўқув машғулотлари мазмунини режалаштиришда муҳим маълумотлар манбаси вазифасини ўтайди. Тарбиячи-педагог болаларнинг когнитив қизиқишлари, эҳтиёжлари ва ривожланиш ҳолатини ҳамда мактабгача таълим ташкилоти имкониятларини ҳисобга олган ҳолда индивидуал, табақалаштирилган ўқув машғулотларини ташкил этиши – мактабга тайёрлашнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Болаларда когнитив фаолиятни ривожлантиришда ўқув машғулотларининг педагогик-дидактик жиҳатдан мукамал ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги ахборотлашган даврда жамиятда болаларга мўлжалланган таклифлар: турли озиқ-овқат маҳсулотлари, аттракционлар, компьютер ўйинлари, бўш вақт учун мўлжалланган фаолият турлари бўйича таклифлар ортиб бормоқда. Шу жиҳатдан мактабгача таълим ташкилотларида машғулотлардан ташқари турли кўргазмалар, когнитив фаолиятни ривожлантирувчи бурчаклар ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Шу билан болаларни жамиятда ҳам таклифларни ақлий равожланишига, фойдалилигига қараб танлаш маданиятини оширади.

Қуйида мактабгача ёшдаги болаларнинг когнитив мустақиллигини таъминлаш орқали когнитив фаолиятини ривожлантириш ёндашувига асосан тузилган топшириқлардан намуналар келтириб ўтамыз:

**1. Касб майдончалари.** Болаларда касблар ҳақида илк таассурот уйғотиш, уларни болаликдан қизиқтириш, иқтидорини эрта кашф этиш мақсадида касб майдончаларини ташкил этиш. Масалан, шифокорликка қизиқадиган болалар махсус майдончада ўйинчоқ шаклида ишлаб чиқарилган шифокор анжомларини, қурувчиликка иштиёқи борлар қурувчилик асбобларини ўйнаши мумкин. Тарбияланувчиларнинг қайси майдончада кўпроқ ўйнашига қараб, уларнинг қайси касбга қизиқиши юқорлигини аниқласа бўлади. Бу бола иқтидорини бошидан тўғри йўналтиришга, келажакда адашиб, ўзи қизиқмаган соҳани танлашининг олдини олишга ёрдам беради. Шунингдек, бир томондан болаларда касбларга доир илк атамаларни ўрганиш имконияти яратилса, бошқа томондан жамиятда ҳам турли касбларни кузатувчанлик қобилиятини оширади.

**2. “Ҳарфларнинг туғилган кунлари”.** Ҳар ҳафтада маълум бир ҳарфнинг

“туғилган куни”ни нишонлаш. Бунда гуруҳдаги болалар маълум ҳарф иштирок этган буюмларни олиб келишади. Буюмлар бир ҳафта давомида намойиш қилиш бурчагида қолади. Бу эса болаларнинг ҳар ҳафта давомида маълум бир ҳарфни ўрганиши, бўғинларни қарсак чалиш билан ўзлаштириши, маълум бир ҳарфнинг сўзнинг қайси қисмида: бошланиши, ўртада ёки охирида жойлашганлиги ҳақида дастлабки билимларни беради. Болаларга “туғилган кун” учун “совға” олиб келиш уй вазифаси сифатида берилади. Бола бу хусусида ота-онаси, ака-укалари билан мулоқотга киришади ва топшириққа мувофиқ келувчи “совға” танлаб, олиб келади. “Совға” танлаш жараёни ҳам боланинг ақлий ривожланишига хизмат қилади, кузатувчанлик қобилиятини оширади, сўзларни орфографик таҳлил қилишга ўргатади. Барча ҳарфларнинг “туғилган куни”ни нишонлаш ўқув йилининг тахминан ярми учун қизиқарли машғулотлар тўпламини шаклланишига олиб келади.

### **3. Топшириқ номи: “Бу ерда нима етишмаяпти?”**

**Керакли материаллар:** уй-рўзғор буюмлари, товоқча.

**Топшириқнинг бажарилиши:** товоққа нарсалар тартибли жойлаштирилади. Болалар барча буюмларни кўришлари керак. Кейин барча болалар кўзларини юмади, тарбиячи буюмлардан бирини олиб кўяди ва иккита буюм ўрнини алмаштириб кўяди. Бу орқали болалар икки ўзгаришни топиши лозим бўлади.



### **4. Топшириқ номи: “Юзни шакллантириш”**


**Керакли материаллар:** поднос, қоғоз, қалам ва майиз.



**Топшириқни бажариш:** бир варақ қоғозга одам бош қисмининг контурини чизиб, уни бирга поднос устига қўйилади. Болалар хоҳишларига қараб майиздан соч, сақол, қош, кўз, кулган ёки ғамгин юз, шляпа шакллантириши мумкин бўлади. Бу топшириқ чекланган ресурслар ёрдамида болалар ижодкорлиги, креативлигини ривожлантиришга ёрдам беради.

#### **5. Топшириқ номи: “Шаклларни тақсимлаш”**

**Керакли материаллар:** лего бўлаклари, поднос, қоғоз, қалам.



**Топшириқнинг бажарилиши:** лего бўлақларидан турли шакллар ясалади ва қоғозга қўйиб, контур бўйлаб қаламда чизилади. Ясалган шакллар майда бўлақларга бўлинади ва болалар чизилган шаклларга қараб, дастлабки ясалган шаклни ясайди ҳамда чизмадаги шакл билан таққослайди.

#### **6. Топшириқ номи: “Ҳис қилувчи рақамлар”**

**Керакли материаллар:** рақамларни шакллантириш учун турли хил материаллар (жун, патлар, турли матолар, тўқув иплари, пахта, рангли қоғоз), ПВА елими, қоғоз, қайчи.



**Топшириқнинг бажарилиши:** Аввал хоҳишга қараб турли материаллардан бири танлаб олиниб, керакли микдорда ёки ўлчамда ажратиб, қирқиб олинади. Бир қоғоз варағига ПВА елими ёрдамида рақамлар шакллантирилади. Барча рақамлар шакллантириб бўлгандан сўнг, тарбиячи томонидан йиғиштириб олинади ва болалар навбат билан кўзларини юмиб, рақамларни қўллари билан ҳис қилиб, қайси рақам эканлигини топади.

**Хулоса ўрнида шунини айтиш жоизки** мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти мазмунида, албатта, педагогик ва психологик қонуниятлар, тамойиллар, шарт-шароитларни инобатга олган ҳолда, уларга ўргатиладиган дидактик материаллар илмий назарий жиҳатдан асосланган, содда ва лўнда, қизиқарли, болалар ёшига мос, миллий менталитет хусусиятларининг мавжудлиги ва бошқаларнинг таъсири педагогик диагностика асосида эътиборга олинди. Когнитив мустақиллик ижодкорлик, эркин фикрлаш, креативлик тушунчалари билан бир қаторда ишлатилади. Когнитив мустақиллик таълим муассасаси, унинг педагоги, мавжуд моддий-техника базаси, вақт имкониятларини ҳисобга олган ҳолда таълим мазмунига дидактик ёндашув бўлиб, таълим олувчининг фикрлаш, фикр билдириш, ўз ғояларини илгари суриш, ўз фаолиятини режалаштира олиши, бажара олиши ва фаолияти натижаларини баҳолашга йўналтиради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Абдурахимова Д.А. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси асослари. Монография. – Т.: 2012. –174 б.
2. Абдуҳакимова М.К., Адамова Ў.К., Азизова З., Алимова Г.К. Болалар психологияси ва психодиагностикаси. –Т.: ТДПУ, 2017 – 264 б.
3. Абдуқодиров А.А., Бегматова Н.Ҳ. Мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологиясидан фойдаланиш услубиёти. – Қарши, Насаф нашриёти, 2011. – Б. 145. (256).
4. Абдуев Ш., Тугалов Р. Мактабгача таълим муассасаларида замонавий компьютер технологияларидан фойдаланиш асослари ва самарадорлиги. –Т.: ТДПУ, “Замонавий узлуксиз таълим муаммолари: инновация ва истиқболлар” халқаро илмий конференция, 2018. – Б. 23-24.
5. Андреев В.И. Педагогика: Учебный курс для творческого саморазвития / В.И.Андреев. – 3-е изд. – Казан: Центр инновационных технологий, 2012. – 608 с.
6. Асқарова Д.К. Болаларни мактаб таълимига тайёрлаш методикаси. – Т.: Наврўз нашриёти, 2020. – 139 б.